

Бахтиёрхўжа ШОДМОНОВ,
ХТХҚТМОҲМ “Ижтимоий-иқтисодий
фанлар методикаси” кафедраси мудири

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Бугун юртимизда тинчлик ва барқарор-лик ҳукм сураётганига қарамай, бундан буён ҳам мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш устивор мақсад бўлиб қолаверади. Бу, бир томондан, мустақиллик биз учун, аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқи, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бой-ликларидан фақат халқимиз ва ватанимиз манфаати йўлида фойдаланиш ҳуқуқини бергани Ўзбекистон ёшлари ҳам ана шу олий неъматдан барҳаманд бўлаётгани билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, мустақиллик йилларида ана шу муқаддас қадрият ва миллий анъаналарга таянган ҳолда яшаш ҳуқуқини ҳам берди. Уни сақлаб қолиш учун мустақилликни асраб-авайлаш керак бўлади. Маълумки, мустақилликгача миллий ўзликни англашга бўлган табиий интилиш жоҳилонга инкор этилар эди. Наврўз, Рамазон, Қурбон ҳайити каби муқаддас миллий байрамлар тақиқланган эди. Амир Темур, Абу Мансур ал-Мотуридий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин

Кубро каби аجدодларимизнинг, Абдулла Қодирӣ, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Бехбудӣ каби миллий-озодлик ҳаракати фидойиларининг номларини халқимиз хотирасидан ўчириб ташлашга ҳаракат қилинар эди. Бугун мустақиллик туфайли уларнинг номлари, миллий-маънавий қадриятларимиз тикланиб, ўзлигимизни чуқурроқ англаб бормоқдамиз.

Илму маърифат, маънавий қадриятларимиз, тарихий, маданий меросимиз, ўтмишда яшаб ўтган буюк алломаларимиз ҳаёти ва фаолияти, илмий мероси ҳақида тўла маълумот беришимиз ҳозирги давримиз учун жуда муҳимдир. Бу борада буюк бобокалонимиз Абу Мансур ал-Мотуридий ҳазратларининг серқирра фаолиятлари, бой илмий меросларини пухта ўрганиш ва ёшлар тарбиясига йўналтириш муҳим аҳамият касб этиб, жамиятимиз маънавий соғломлигининг янада ошишига хизмат қилади. Бугун ёшлар ўз миллий тарихини ўрганмоқда. Она тили, маданият, урф-одат ва анъаналарининг қайта тикланиб бораётгани уларни ўзлигини англашга шарт-

шароит яратиб бераётгани ҳам муҳим ютуқдир. Бугун ёшлар шунчаки миллий-маънавий кадриятларини ўрганиб қолаётгани йўқ. Улар дунё халқлари эришган ютуқлардан баҳраманд бўлмоқда. Хорижий давлатларда ўқиш, билим олиб, фан-техника ютуқлари, илгор технологияларни эгаллаб жамиятимиз ижтимоий ҳаётига жорий этиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Маълумки, 2008 йилда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизни¹ ташкил этган эди.

Бугунги кунда эса мамлакатимизда 33,5 млн. нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладди. Аҳолининг 18 млн.га яқини

(60%) ёшлар ҳисобига тўғри келади, ўсиш кўрсаткичлари эса йилига 500 минг нафардан ортиқни ташкил этади².

Ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши масалалари шу боис ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, аҳолиимизнинг аксари ят қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида турибди.

Ёшлар дунёқарашида миллий-маънавий кадриятларга таяниш муайян мақсад ва вазифаларни ўз ичига олади. Улар қуйидагилар:

- Ёшлар ўз дунёқарашида миллий-маънавий кадриятларга таянмаса, уларнинг онги ва тафаккурдан мутлақо бегона кадриятлар

жой олади. Ўзининг миллий-маънавий кадриятларига нисбатан беписандлик билан қараш шаклланади.

- Ёшларнинг миллий-маънавий кадриятларга бўлган муносабатининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш, уларнинг амалий фаолиятларида кўпроқ қайси кадриятлар устивор бўлиб бораётганини аниқлашга ёрдам беради. Бундан кўзланган асосий мақсад уларнинг миллий-маданий мерос ва кадриятларга нисбатан ишонч ва эътиқодини мустаҳкамлашдан иборат.

- Ёшларнинг миллий-маънавий кадриятларга нисбатан ишонч ва эътиқодининг мустаҳкам бўлиши Ўзбекистон танлаган ўзига хос ва мос тараққиёт йули талабларидан қелиб чиқади ҳамда ёшлар олдига аниқ вазифаларни қўяди³.

Жамият маънавий ҳаётида миллий кадриятга муносабат муаммоларини қуйидаги омилларга боғлаш мумкин:

1. Мустақиллик улугъ неъмат ва кадрият эканини чуқур идрок этган ҳолда, умуммақсад йўлида ёшлар озод шахс ва эркин фуқаро сифатида жамият олдигаги ўз масъулиятини чуқур англаб, фаоллик кўрсатиши уларнинг қалб амрига айланиши лозим.

2. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавий демократия ҳамда ёшлар дунёқарашидаги миллий-маънавий кадриятларга таяниш билан ҳам узвий боғлиқ. Мамлакат, халқ, миллатнинг бугуни ва келажагига дахлдор бўлган кадриятлар ҳақида ўз фикрини очиқ ва эркин билдириш айрим салбий ҳолатларнинг олдини олади. Энг муҳими, фикрни эркин айтиш муҳим. Ёшлар фикрига ҳурмат билан қараш, ўзгалар фикрига таяниш, миллий-маънавий кадриятларни тиклаш орқали жамиятда сиёсий-ҳуқуқий маданият юксалиб боради.

3. Демократик жамиятда миллий-маънавий кадриятларни тиклашга эҳтиёж ортиб, фикрлар хилма-хиллиги, мунозара маданияти шаклланади. Фақат ўз фикрини ўтқазиш, ўзгалар фикрини бўғиб қўйиш ҳолларига барҳам берилади.

4. Миллий-маънавий кадриятларнинг тикланиши туфайли ёшлар ўз эркинлиги ва мустақиллигини қадрлайдиган, унга ҳурмат билан қарайдиган, шу туйғуга кўпроқ эҳтиёж сезадиган бўлиб боради. Маданий меросга

¹ Мадалиева З. Ҳуқуқий маданият ва ёшлар. - Т.: "Академия", 2008. 5-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида ID-4824 <https://regulation.gov.uz/uz/document/4824>

³ Эргашев И. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги. - Т.: "Академия", 2008. 15-16-бетлар.

нисбатан бефарқлик ва лоқайдлик каби айрим иллатлар барҳам топади.

5. Бугун раҳбарлик лавозимларида ишлаётган айрим шахслар фаолиятида учрайдиган, қадриятларимизга тўғри келмайдиган салбий иллатларга барҳам бериш имконияти туғилади.

6. Мустақил мамлакатда ҳар бир ёшнинг қайси соҳада ишлашидан қатъи назар, аввало, озод ва эркин шахс, инсон сифатида ўзлигини англамоғи зарур бўлади. Ўзликни англаш эса маънавий қадриятларни чуқур ўрганиш, асраб-авайлаб ривожлантириш орқали амалга ошади.⁴

Ёшлар дунёқарашида миллий-маънавий қадриятларни мустаҳкамлашдан кўзланган мақсад уларни фақат ўз қадриятларига таяниб яшашга ўргатиш эмас, балки шу умумбашарий қадриятларни ҳам ўзлаштириб, мамлакатнинг ўзига хос тараққиёти унга боғлиқлигини ҳисобга олиб яшашга, ишлашга даъват этишдир.

Бундан ташқари, миллий-маънавий қадриятларни чуқур билиш ёшлар томонидан мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Бу мамлакатнинг истикболдаги ривож билан узвий боғлиқдир.

Мустақиллик шароитида миллий ва умуминсоний қадриятлар ўзининг ҳаққоний мазмунига эга бўлмоқда. Ёшларнинг у тўғрисидаги қарашлари ва муносабатлари ҳам ўзгариб бориб, миллий-маънавий қадриятларга умуминсоний қадриятнинг негизи сифатида қараётгани муҳим ютуқдир.

Ҳозирги даврда қўлга киритилган муҳим ютуқларимиздан бири таълим-тарбияда миллий, маънавий қадриятларнинг устуворлигига эришганимиздир. Бу ёш авлодга бой тарихий, миллий, маънавий меросни сингдириш ҳамда асрлар давомида шаклланган халқ педагогикаси анъаналари асосида таълим-тарбия бериш демакдир. Зеро, Абдулла Авлоний айтганидек “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалоқат, ё саодат, ё фалокат масаласидир”⁵.

Бизга маълумки, жаҳондаги глобаллашув жараёнлари, инновацион жамиятга бўлган эҳтиёж, фан-техника тараққиёти ёшлар учун кўплаб имкониятлар яратиши билан бир қа-

торда, уларнинг олдига тезкор қарорлар қабул қилиш, инновацион тафаккурни шакллантириш, интеллектуал салоҳиятни ошириш каби кўплаб талабларни қўймоқда.

Шу боис Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда асосий эътибор ёш авлод вакиллари йўлантириб келаётган бугунги куннинг долзарб муаммоларини ҳал этишга қаратилмоқда.

Ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлашга қаратилган илғор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда қабул қилинган “ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ – 2030” концепцияси ёшлар йўналишидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган устувор вазифаларни, асосий мақсад ва йўналишларни белгилаб беради. Уларни йўлантираётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган технологияларни янада такомиллаштиришга кўмаклашади.

Шунингдек, бу ҳужжат ёш авлод вакиллари ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни давлат ва жамиятни бошқариш ишларига кенг жалб этиш, ташаббусларини етарли даражада қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳуқуқий асосларни, иқтисодий имкониятлар ва ташкилий механизмларни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ёшлар сиёсати соҳасидаги тажрибани бойитган ҳолда, мамлакатимизда ёш авлоднинг конституциявий ҳуқуқларини кафолатлаш, ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий ва ташкилий механизмларини янада такомиллаштириш борасидаги мақсад ва вазифалар, устувор йўналишлар ҳамда чора-тадбирларни белгилашга имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли нормаларига, Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид қонунчилиги, шунингдек, БМТнинг “Ёшлар-2030” концепцияси, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига асосланади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси талаблари асосида ҳамда миллий ва жаҳондаги илғор тажрибалар, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда амалга оширилади.

⁴ Эргашев И. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги. -Т.: “Академия”, 2008. 15- бет.

⁵ Баркамол авлод орзуси. -Т.; “Шарк”, 1999, 39-бет

Бугунги кунда дунёнинг аксарият мамлакатларида ёшлар билан ишлашнинг янги-ча моделларини яратиш ҳамда уларни амалга оширишда инновацион механизм ва технологияларни қўллашга оид кўплаб амалий ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июнда ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувида кўтарилган долзарб масалалардан келиб чикиб, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида 2 та қонун ва 16 та қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони билан ёшлар масалаларига оид 70 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та фармони, 4 та қарори ва 1 та фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14 та қарори ва 3 та фармойиши қабул қилиниши ёшлар сиёсати соҳасидаги ислохотларнинг тизимли, босқичма-босқич амалга оширилишига ҳуқуқий замин яратди⁶.

Ўтган вақт ичида ёш авлоднинг соғлом бўлиб ўсиши, сифатли таълим олиши ва баркамол шахс бўлиб вояга етишини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Ёшларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа турли йўналишлардаги салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, ҳудудларда эса ҳокимлар раислигида Ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгашлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ташкил этилди.

Юртимизда ташкил этилаётган янги-янги боғчалар, мактаблар, олий ўқув юртлири, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари, маданият ва спорт иншоотлари, “Темурбеклар мактаби”, “Президент мактаблари”, “Ижод мактаблари” деб ном олган мутлақо

янги намунадаги таълим масканлари бугунги глобаллашув шароитида рақобатга қодир бўлган етук кадрларнинг янги авлодини тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Кейинги пайтда умумхалқ ҳаракатига айланиб бораётган бешта ижобий ташаббус доирасида амалга оширилаётган катта қурилиш ва ободончилик ишлари, яратилаётган шароитлар, ташаббусларнинг мазмуни ва аҳамиятини ёшларимиз чуқур тушуниб, уни амалга оширишда фаол иштирок этаётгани, мамлакатимизда ёш авлодга берилаётган эътиборнинг ёрқин намунаси ва самараси сифатида намоён бўлмоқда.

Ёшлар сиёсати соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар таҳлили ёш авлод билан боғлиқ долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар билан бир қаторда, соҳада ечимини қутаётган муаммоли масалалар ҳам сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Аксарият ёшларда дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини англаш даражасининг пастлиги, бу борада мамлакатимиз маънавиятига мос бўлган фикрлар хилма-хиллиги ҳолатида ягона ёндашув, тушунча ва тасаввурларнинг етарлича шаклланмагани терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, мутаассиблик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес каби турли хавф ва таҳдидларга қарши курашишда жамият кучларини бирлаштириш ва уни ижтимоий ҳаракат даражасига олиб чиқишга имкон бермаяпти.

Айниқса, ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, уларни касбга йўналтириш ва иш билан таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш ва мавжуд салоҳиятини амалга оширишга муносиб шароитлар яратиш билан боғлиқ қатор масалалар долзарб бўлиб қолмоқда.

Мамлакатни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий ривожлантиришга қаратилган туб ўзгаришлар ёшларга оид давлат сиёсатини ривожлантириш борасида янги вазифаларни кун тартибига қўймоқда. Бу эса мазкур йўналишдаги принципиал ёндашувлар такомиллаштирилишини, стратегик мақсад, вазифа ҳамда устувор йўналишларнинг концептуал асослари ишлаб чиқирилишини тақозо этмоқда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида ID-4824 <https://regulation.gov.uz/uz/document/4824>